Ушбу сонда:
2-3 ЖАМОА ШАРТНОМАЛАРИ ТУЗИШ БЎЙИЧА ТАВСИЯЛАР
4 Ибрат САВОБ ҲАМ КЕРАК

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ. ОЛИЙ БАХТ
ГАЗЕТА 1991 ЙИЛ 21 МАРТДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2006 йил 18 январ, чоршанба № 9 (2058)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

МУҚАДДАС МАЪВО

Марғилон шаҳрида айни кунларда улкан бунёдкорлик ишлари давом этмоқда. Ҳомийлар ва шифокорлар йилида ҳамиша навқирон ва кўҳна шаҳарда 200 ўринли туғуруқ мажмуаси қурилиши бошланди. Осиё тараққиёт банки лойиҳаси асосида бунёд этилаётган мажмуадаги қурилиш ишларини шаҳардаги «Бибител плюс» жамоаси бажармоқда.

Янги туғуруқ мажмуасини қадимий ва замонавий меъморчилик анъаналари асосида барпо этиш режалаштирилган. Бу мажмуада оналар ва болалар соғлигини сақлаш, уларга замонавий тиббий хизмат кўрсатиш учун барча шароит муҳайё қилинади. Туғуруқ уйида 60 ўринли ҳомиладор аёллар бўлими, 20 ўринли чақалоқлар, 80 ўринли туғуруқ ва 40 ўринли гинекология бўлимлари бўлиб, уларда 450 нафардан зиёд малакали тиббиёт ходими хизмат қилади.

ИНТЕГРАЦИЯНИ МУСТАҲКАМЛАШ ЙЎЛИДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 17 январь куни Оқсаройда Евроосиё иқтисодий ҳамжамияти (ЕврАзЭС) Бош котиби Григорий Рапотани қабул қилди.

Маълумки, Ислом Каримовнинг 2005 йил 6-7 октябр кунлари Россия Федерациясининг Санкт-Петербург шаҳрига ташрифи чоғида Ўзбекистоннинг мазкур Ҳамжамиятга аъзо бўлиши тўғрисида келишиб олинган эди. Мамлакатимиз раҳбари бунга изоҳ берар экан, Евроосиё иқтисодий ҳамжамияти ва «Марказий Осиё ҳамкорлиги» (МОҲТ) ташкилотининг мақсад ва вазифалари бир хил эканлигини таъкидлаган эди.

Шу сабабли, Ислом Каримовнинг ҳаракатлар такрорланишига, ортиқча сарф-харажат ҳамда ташкилий ишларга йўл қўймаслик учун икки тузилмани бирлаштириш ва янги шаклланган ЕврАзЭС доирасида интеграцияни ривожлантириш тўғрисидаги таклифи бир овоздан қўллаб-қувватланди.

Евроосиё иқтисодий ҳамжамияти 2000 йил октябр ойида Беларус, Қозоғистон, Қирғизистон, Россия ва Тожикистон раҳбарлари имзолаган шартнома асосида тузилган. Ҳозир у самарали фаолият юритаётган ташкилотлар сафидан жой олган. Мисол учун Ҳамжамият доирасида Божхона иттифоқини ташкил этиш билан боғлиқ барча масалалар жорий йил охиригача ўз ечимини топиши кутилмоқда. Учинчи давлатлардан импорт қилинадиган маҳсулотларга нисбатан божхона тарифларини бирхиллаштириш ҳаракати фаол давом этмоқда. Ўтган йил якунлари бўйича қаралса, тарифларнинг 60 фоизи бирхиллаштирилган. Яқин келажакда мазкур кўрсаткични 75 фоизгача етказиш кўзда тутилмоқда. Бу эса 12 мингга яқин турдаги маҳсулот демакдир.

Ҳамжамият фаолиятининг самараси сифатида фуқароларнинг визасиз борди-келди тизими жорий қилингани, олий ўқув юртларига тўсиқларсиз кириш имконияти яратилгани, дипломларни ўзаро тан олиш тартиби мавжудлиги каби кўплаб ижтимоий қулайликларни ҳам келтириш мумкин.

Оқсаройдаги учрашувда Президент Ислом Каримов Ҳамжамиятнинг навбатдаги саммити кун тартибидаги асосий масала Ўзбекистоннинг унга расман аъзо бўлиб кириши билан боғлиқ бўлишини таъкидлади. Мазкур учрашув ана шу жараён билан боғлиқ ташкилий масалалар юзасидан фикр алмашиш учун қулай имконият эканлигини қайд этди.

Г.Рапота самимий қабул учун Президентимизга миннатдорлик билдирди ва Ўзбекистоннинг аъзо бўлиб кириши билан Ҳамжамият фаолияти самарадорлигини янада ошириш имкониятлари кўпайишини алоҳида таъкидлади.

Суҳбат чоғида Евроосиё иқтисодий ҳамжамияти доирасида интеграция жараёнларини янада ривожлантириш билан боғлиқ масалалар юзасидан фикр алмашилди.

(ЎзА)

КОМИССИЯ ЙИҒИЛИШИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида Ахборот фаолияти, маълумотлар узатишни такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш бўйича идоралараро мувофиқлаштириш комиссиясининг йиғилиши бўлиб ўтди.

Унда 2005 йилда идоралараро мувофиқлаштириш комиссиясининг фаолияти якунлари сарҳисоб қилиниб, 2006 йилга мўлжалланган иш режаси тасдиқланди.

Шунингдек, комиссия йиғилишида телерадиодастурларни тарқатиш билан шуғулланаётган хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолияти бўйича ўтказилган мониторинг натижалари тўғрисидаги ахборот тингланди. Таҳлиллар аниқланган қонун бузилишлари асосан ахборотни тарқатиш, рекламани жойлаштириш талаблари ва ноқонуний тарзда фаолият кўрсатиш билан боғлиқ эканлигини кўрсатмоқда. Айрим нодавлат телевидение ва радиоларида мавзу танлаш, ахборот тарқатиш ва масалага ёндашувда журналистик маҳорат етишмаётганлиги кузатилаётгани қайд этилди.

Мажлисда комиссиянинг ишчи гуруҳи аввал қабул қилинган қарорларнинг бажарилиши юзасидан ахборот берди. Телерадиодастурларни тарқатиш билан шуғулланадиган қатор хўжалик юритувчи субъектларни рўйхатга олиш ва қайта рўйхатдан ўтказишга оид аризалар кўриб чиқилди.

Муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

(ЎзА)

«ВЕЛАН» МАҲСУЛОТЛАРИ - ЭКСПОРТГА

Зарафшон шаҳрида «Велан» Ўзбекистон-Россия қўшма корхонасида асосан туя жунидан адёл, болалар ва катталар учун кийим-кечаклар, ёстиқ, шифобахш белбоғ сингари юз хилдан ортиқ маҳсулот ишлаб чиқарилади.

Ўтган йили Россияга 50 минг АҚШ доллари миқдорида маҳсулот экспорт қилинди. Бу йил ушбу кўрсаткич икки ҳисса ортади. Чунки туя жунидан тайёрланган кийим-кечакларга Россияда талабгорлар кўпайиб боряпти.

Аслида бугунги кунимизни электр энергиясисиз тасаввур қилиш қийин. Кўз олдингизга келтиринг. Улкан корхона цехларида қудратли машиналар халқ хўжалигида маҳтал кутилаётган маҳсулот тайёрланяпти. Шу лаҳзада электр энергияси узатиш тўхтаб қолди. Ҳозиргина ёнингиздаги шеригингизнинг гапини эшитиш мушкул бўлган жойда сув қуйилгандек жимлик чўкади. Бу одатдаги сукунат бўлиб қолмасдан халқ хўжалиги учун катта зарар, демакдир. Ёки шифохонада жарроҳлик ўтказилаётган пайтда электр чироқлари бир зум ўчиб қолди.

ИНСОН АЗИЗ
унга ғамхўрлик қилиш эса олий шараф

Ана шундай ҳолат юз бермаслиги учун тармоқ тизимига кирувчи машина ва техника воситалари тўхтовсиз ишлаб туриши керак. Бунинг учун табиийки, техника анжомлари захираси мавжуд бўлиши ва бузилмаслиги билан бир қаторда уларни бошқараётган кишилар соғ-саломат, ўз касбларининг усталари бўлишлари тақозо этилади. Шунинг учун ҳам «Наманганэлектртармоқлари» очиқ акциядорлик бирлашмаси маъмурияти ва тармоқ касаба уюшма қўмитаси ўзаро ҳамкорликда жамоа ва оила аъзоларининг саломатлиги, зориқмай турмуш кечиришини таъминлаш йўлида бир мунча ишлар қилмоқда.

Бу мақсад маъмурият ва тармоқ касаба уюшма қўмитаси ўртасида тузилган жамоа шартномасида тўлатўкис ўз ифодасини топган. Энг аввало, тармоғимизга қарашли шифохона мана бир неча йилдирки, бенуқсон фаолият кўрсатаётганлигини тилга олиб ўтиш жоиз. Бу ерда фақат бирлашмамиз ишчи-хизматчиларигина эмас, балки уларнинг оила аъзолари ҳам зарур топилган пайтда саломатликларини мустаҳкамлаб олмоқдалар. Шифохона Япония, Германия, Чехия сингари тараққий топган давлатлардан келтирилган тиббиёт асбоб-ускуналари билан жиҳозланган бўлиб, беморга қисқа вақт ичида аниқ ташҳис қўйилиб, самарали муолажа қилинади. Шифохона ўз фаолиятини бошлаганидан буён бир неча минг киши саломатлигини мустаҳкамлаб чиқди. Шунингдек, шифохонада ходимлар кўрикдан ўтказилмоқда.

Баҳор ва ёз ойларида ўз об-ҳавоси ва иқлими жиҳатидан машҳур Кавказорти республикалари сиҳатгоҳларидан қолишмайдиган Чуст туманининг тоғли ҳудудидаги «Нурчи» дам олиш уйи ҳам тармоқ ходимларининг оила аъзолари билан ҳордиқ чиқаришда муҳим омил бўлмоқда. Сарф-харажатларнинг асосий қисми касаба уюшма ва бирлашма ҳисобидан қопланади. Дам олиш уйида ҳар йилги мавсум давомида 400-500 ходим саломатлигини мустаҳкамлаб олмоқда. «Нурафшон», «Чортоқ», «Ниҳол», «Шаҳанд», «Гулшан», «Косонсой» ва «Кўк сарой» санаторийлари ҳам бу борадаги мақсадимизни амалга оширишимизда қўл келмоқда.

Ишчи-хизматчиларни соғломлаштиришда спортдан ҳам кенг фойдаланмоқдамиз. Бунинг учун бирлашмада махсус спорт йўриқчиси штати жорий этилган. Бирлашмамиз ва туманлардаги электр тармоқлари корхоналари қошида белгиланган режа асосида қатор спорт турлари бўйича мунтазам равишда мусобақалар ўтказиб борилади. Масалан, ўтган йил мобайнида бир неча бор ходимлар ўртасида миллий кураш, стол тенниси, футбол, волейбол, шашка ва шахмат бўйича беллашувлар ташкил этилди. Ғолиблар маъмурият ва тармоқ касаба уюшмалари совринлари билан мукофотландилар. Ана шу мусобақаларда Любовь Карашаева, Абдулазиз Рашидов, Муҳаббат Азизова, Карим Юсупов, Муҳаммаджон Абдураҳмонов, Осиё Валиевалар ғолиб, деб топилдилар.

Маъмурият ва тармоқ касаба уюшма қўмитаси ўртасида имзоланган жамоа шартномасида кўп болали, кам таъминланган ва ногиронларни ижтимоий ҳимоялаш масаласига ҳам алоҳида эътибор берилган. Муҳтожларга мунтазам равишда моддий ва маънавий кўмак бериб борилади. Иқтисодий-ижтимоий қўллаб-қувватлашнинг турли шакл ва усулларидан фойдаланилади. Саломатлигини йўқотганларга дори-дармондан, шифохонада ётган вақти учун тўланиши лозим бўлган харажатларда ёрдам кўрсатилади. Яқин кишисини йўқотганларга, уйланаётган ва турмушга чиқаётганлар моддий қўллаб-қувватланади. Шу соҳа бўйича олий ва ўрта махсус ўқув юртларида таҳсил олаётганларга шартнома бўйича кўзда тутилган маблағ ўтказиб берилади.

Б. ТОЖИБОЕВ,
«Наманганэлектртармоқлари» очиқ акциядорлик бирлашмаси касаба уюшма қўмитаси раиси

Яхши ишлаб, яхши яшаётганлар

Дўстлик туманида илғор фермерлар ҳақида гап кетганда, биринчилардан бўлиб Гулмурод Шербековнинг номи тилга олинади. Бу бежиз эмас, албатта. У иқтисодчи ҳам, ҳисобчи ҳам эмас, бироқ тежамкор фермерлардан. Ҳар бир тийинни тежаб ишлатишга ҳаракат қилади.

ҲАР БИР ТИЙИН ҲИСОБДА

Гулмурод 1999 йили А.Қулбеков номли агрохизмат маркази ҳудудидан ер олиб, «Қашқабулоқ» фермер хўжалигини ташкил этди. Ўтган йили 31,2 гектар ерда пахта, 11 гектар ерда ғалла етиштириб, юқори кўрсаткичга эришди. Даромад ҳам шунга яраша бўлди. Ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш қарийб 29 миллион сўмга етказилди. Бир тонна пахтанинг таннархи 95,2 минг сўмни ташкил этди. Ўғит маҳаллий шароитдан келиб чиққан ҳолда ишлатилди.

Нефть маҳсулотларидан тежамкорлик билан фойдаланишга эътибор қаратилди. Шунинг ўзидан бир неча миллион сўмлик иқтисодий наф кўрилди. Буни қарангки, «Қашқабулоқ» фермер хўжалиги бир тонна пахта етиштириш учун 95,2 минг сўм сарфлагани ҳолда, шу хўжаликда фаолият юритаётган «Гўзал» фермер хўжалиги бу мақсад учун 230,9 минг сўм харажат қилди. Ўртадаги тафовутни қаранг, қанчалик катта. Шу ўринда рентабеллик даражаларини ҳам таққослаб кўрайлик. А.Қулбеков номли агрохизмат марказида фаолият юритаётган фермерларнинг рентабеллик даражаси 61,7 фоизни ташкил этди. Бу кўрсаткич туман бўйича 46,3 фоизлик даражада якунланди. «Гўзал» фермер хўжалиги йилни минус 0,5 фоизлик рентабеллик даражаси билан ниҳоясига етказди. Шундай шароитда бўлган «Қашқабулоқ» фермер хўжалигининг рентабеллик даражаси 120,7 фоизни ташкил этди.

Ҳар бир фермер хўжалигидаги самарадорликнинг ошиб бориши туман иқтисодиётининг юксалишига ижобий таъсир кўрсатмоқда. «Қашқабулоқ» фермер хўжалиги тежамкорлик туфайли юқори натижаларга эришиб келаётир. Улар йилни 15 миллион 581 минг сўмлик соф фойда билан якунладилар. Харажатлар ҳам шунга яраша бўлди. Ўғит, нефть маҳсулотлари, биоусулдан фойдаланиш учун, автотранспорт, эҳтиёт қисмлар, махсус савдо хизмати, банк хизмати, машина-трактор парки хизмати, солиқ тўловлари, иш ҳақи ва бошқа тўловларнинг ўзи ҳам анчагина катта рақамларни ташкил этади.

Меҳнат муваффақиятлари бевосита таъминотга, рағбатлантиришга бориб тақалади. Ғўза вегетацияси даврида ишчиларга 450 минг сўм атрофида нақд пул тарқатилди. Пахта йиғим-терим даврида эса асосан оилавий бўлган хўжалик аъзолари 1634,3 минг сўм пул олишди. Жами иш ҳақи тарзида тарқатилган пуллар 2 миллион сўмни ташкил этди. Айни пайтда «Дамас» автомашинаси фермер хўжалигига хизмат қилиб турибди.

Фермер хўжалигининг 18 нафар доимий ишчиси бор. Уларнинг яхши ишлаб, яхши яшашлари учун етарли шарт-шароитлар яратиб берилган. Ҳар йили буғдой, ўсимлик ёғи каби маҳсулотлар билан етарли миқдорда таъминлаб боришмоқда. Уларнинг дам олишлари, сиҳатгоҳларда даволанишлари учун бир миллион сўм атрофида маблағ фермер хўжалиги даромади ҳисобидан ажратилади.

– Тежамкорлик кони фойда, – дейди фермер. – Хўжалигимиз ҳам оиладай гап. Оилада исрофгарчиликка йўл қўйилса, нима бўлишини биламиз. Фермер хўжалигида ҳам ишлаб топилган ҳар бир тийин тежалиб сарфланмаса, қарздорлик ботқоғига ботиб кетиш ҳеч гап эмас.

Б.НОРҚУЛОВ,
«Ишонч» мухбири

ЭЛ ХИЗМАТИГА КАМАРБАСТА

Миришкор туманининг Помуқ қишлоғидаги 2-сонли марказий шифохона шифокорлари асосан қишлоқ хўжалиги ва нефт-газ конлари ишчи-мутахассисларига хизмат кўрсатишади. Бу ерда йигирма олти шифокор ва 125 та ўрта тиббий ходим беморлар хизматида.

Шифохонада тўққизта бўлим мавжуд бўлиб, уларда барча шароит яратилган. Беморларнинг тезда шифо топиши учун шифокорлар астойдил фидойилик қилишади. Уларнинг ширин муомаласи эса беморлар соғайишида яхши омил бўлмоқда.

Айниқса, шифохонанинг туғруқхона бўлими жамоаси аёллар саломатлигини тиклаш, она ва бола соғлиги масаласига алоҳида эътибор қаратган. Бўлимнинг тўрт гинекологи ва ўн нафар ҳамшираси айнан шу мақсадда туну кун меҳнат қилишмоқда.

Суратларда: туғруқхона бўлимининг тажрибали шифокори (чапдан иккинчи) Фароғат Муҳаммадиева ёшларнинг севимли устози; марказий шифохонанинг «Тез тиббий ёрдам» бўлимида.

Ш.ШАРОПОВ
(ЎзА) олган суратлар

2006 йил - Ҳомийлар ва шифокорлар йили

ХАЙРИЯ ТАДБИРИ

Меҳр-оқибат, хайр-саховат, олижанoблик халқимизнинг эзгу фазилатларидандир. Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан жорий йилнинг Ҳомийлар ва шифокорлар йили деб эълон қилиниши бундай азалий қадриятларимизнинг янгича маъно ва мазмун билан бойишига хизмат қиляпти.

Республика давлат болалар кутубхонасида «Меҳржон» хайрия жамоатчилик жамғармаси билан ҳамкорликда ташкил этилган «Хайр-саховат - олий фазилат» мавзуидаги хайрия тадбирида ана шу ҳақда сўз борди.

Тадбирга пойтахтимиздаги «Sanvikt» ногирон болалар ижодий маркази тарбияланувчилари таклиф этилди. Таниқли эстрада хонандалари ва театрлар жамоалари намойиш этган куй-қўшиқ ва томошалар болаларга катта қувонч бағишлади. Уларга ҳомийлар ва ташкилотчиларнинг қимматбаҳо совғалари улашилди.

Тадбир доирасида болаларга аталган китоблар кўргазмаси ташкил этилди.

«Ишонч» фош этади

«Қашқадарёнефтгазсаноатқурилиш» корхонаси технологик жиҳатдан қайта жиҳозланганлиги, ходим масъулияти ошганлиги натижасида ишлаб чиқариш самарадорлиги ортиб, ялпи даромад кўпаймоқда. Жамиятда қувончли ютуқлар қўлга киритилаяпти. Йил якуни билан олинган соф фойда 920 миллион сўмни ташкил этиб, ҳисобланган дивидендларнинг умумий миқдори 358 миллион сўмга етди. Қимматбаҳо қоғозлар ўз эгаларига йиллик 700 фоиз ҳисобида даромад келтирди. 4 та юридик ва 1979 нафар жисмоний шахс харид қилинган қимматбаҳо қоғозларига 700 сўмдан дивиденд олди. Энг муҳими, маблағ акция эгалари қўлига бориб текканлиги сармоядорларни қувонтираяпти.

НЕГА ДИВИДЕНД ТЎЛАНМАЯПТИ?

Ислоҳотларнинг барча босқичларида эришилган натижалар аҳоли даромадлари ўсиши билан белгиланади. Иқтисодиёт ривожланмаса, турмуш фаровонлигининг яхшиланиши тўғрисидаги гап бўлиши мумкин эмас. Вилоятда 110 та акциядорлик жамиятлари фаолият кўрсатаяпти. Лекин мулк эгаларига келган фойда вақтида тақсимланаяптими?

Таҳлиллар шуни кўрсатиб турибдики, бир хил шароитга эга корхоналарда аҳвол ҳар хиллигича сақланиб келмоқда. Масалан, «Касби МТП» акциядорлик жамияти йил якунида 13 та юридик ва 36 та жисмоний шахсга берилиши лозим бўлган 35,46 миллион сўм дивидендларни кечиктирмасдан тўлаган. Бироқ, «Чироқчи машинатракторпарки» акциядорлик жамиятида 2003 йил якуни бўйича ҳисобланган 35,9 миллион, 2004 йил натижаларига кўра умумий миқдори 45,5 миллион сўмлик дивидендларнинг вақтида тўланмаганлигини қандай изоҳлаш мумкин? Бундай аҳволда ўтган йилги ҳисобланган дивидендларни тўлашни жамият бошқаруви ва кузатуви кенгаши қачон ўйлаб кўради? «Касби пахта тозалаш» акциядорлик жамияти вилоятдаги йирик корхоналардан. Ҳар йили 60-70 минг тонна хом ашёни қайта ишлаётган катта жамоада 2003 йилги дивидендлардан 21 миллион, 2004 йилги дивидендлардан 74 миллион сўмлик қарздорлик мавжуд. «Қарши пахта тозалаш» акциядорлик жамиятида эса 2003 йилда 8,1 миллион, 2004 йилда 60,5 миллион сўм дивиденд ҳозиргача тўланмасдан келинаяпти.

Ҳар бир корхонанинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётида ишчи-хизматчилар, инженер-техник ходимларнинг ҳуқуқ-манфаатлари, орзу-мақсадлари, умид ва интилишлари ўз ифодасини топган. «Косон-21» акциядорлик жамиятининг 488 нафар аъзоси бор. Улардан 3 таси юридик, 485 нафари жисмоний шахслар ҳисобланади. 2003 йил якуни бўйича ҳисобланган дивидендларнинг 20 миллион сўми тўланмагани ҳолда 2004 йилдан олинган фойда атиги 5,8 миллион сўмни ташкил этиб, олдингига нисбатан анча камайиб кетган. Бор-йўғи 3,5 миллион сўм дивиденд ҳисобланиб, бу акциялар номинал қийматининг атиги 7 фоизини ташкил этади. Унинг ҳам ўз эгаларига бориб етмаганлиги корхона бошқаруви ва молиявий хўжалик фаолиятида ҳал этиши лозим бўлган муаммолар кўплигидан далолат беради.

Бозор шароитида даромадларини қоплай олмаган, ишлаб чиқаришда паст натижаларга эришган корхоналар инқирозга учраши табиий. Бир вақтлар довруғи мамлакатга ёйилган «Шаҳрисабзшароб-ароқ» акциядорлик жамияти рақобатга бардош бера олмаётганлиги, олинган даромад тўлиқ ҳаражатга чиқиб кетаётганлиги оқибатида нафақат туман иқтисодиёти, балки корхонанинг 337 нафар акциядори ҳам зарар кўраяпти. Оғир аҳволни ўнглаш учун шошилинч чора-тадбирлар кўрилмаса, акциялар қуруқ қоғоз бўлиб қолаверади.

«Китоб-76» акциядорлик жамияти йилни 6 миллион 646,5 минг сўм соф фойда билан якунлаган бўлса-да, умумий йиғилиш дивиденд тўлашга пул ажратмасликка қарор қилган. Ҳолбуки, олинган фойданинг юз фоизи дивидендлар тўлашга йўналтирилса, акциядорлар 13,3 фоиз миқдорида ёки 505 сўмлик акцияларнинг ҳар бирига 67 сўмдан даромад олишлари мумкин эди. Ҳеч-дан кўра кеч, деганларидек, оз бўлса ҳам акциядорлар қўлига пул тушар эди.

Қимматбаҳо қоғозлардан келадиган фойда ҳиссадорлар ҳисобидаги акциялар қиймати ва миқдорига қараб тақсимланади. Аммо зарар кўриб ишлаётган корхоналар раҳбарияти қимматбаҳо қоғозлар эгалари манфаатини унутиб қўйганлиги кишини ташвишлантиради. «Насафтранс» акциядорлик жамияти йилни 7 миллион 155 минг сўмлик зарар билан якунлаган бўлса, «Каштекс»да ушбу кўрсаткич 92,9 миллион сўмга тўғри келади.

Енгил саноат тизимидаги «Китобип-йигирув» корхонаси ўтган йили ўзининг низом жамғармаси ҳажмидан 3,3 баробар кўп миқдорда, яъни 166 миллион 484 минг сўм зарар кўрган. Акция эгалари яхши ният билан харид қилган қимматбаҳо қоғозлар учун йиллар давомида дивиденд олишмаган бўлса, эндиликда улар йиғилиб қолган зарарнинг қопланишини кутишлари керак бўлади.

Раҳбарият ва кузатув кенгаши аъзолари ўзларига топширилган вазифага масъулият билан ёндошганларида, акциядорлар жамиятлари бундай ҳолга тушмаган бўлар эди.

И.ҲИКМАТОВ,
«Ишонч» мухбири

2006 йил учун ЖАМОА ШАРТНОМАЛАРИ

1

Меҳнат муносабатлари ва меҳнат билан боғлиқ ижтимоий-иқтисодий муносабатларни тартибга солишда жамоа шартномаларининг аҳамияти беқиёсдир, чунки амалдаги қонунлар бу борада фақат энг кам миқдордаги ижтимоий зарурият даражасини белгилаб берган.

Ходимлар ҳуқуқ кафолатларининг қонун ҳужжатларида белгиланганидан юқори даражасини ўрнатиш, меҳнат муносабатларини самарали равишда тартибга солиб туриш масаласи корхона, ташкилот, муассасаларнинг (кейинги ўринларда "корхоналар", деб юритилади) ўзларида жамоа шартномалари орқали ҳал этилмоқда. Жамоа шартномалари, мулкчилик шакли, қайси идорага бўйсуниши ва ходимлар сонидан қатъи назар, корхоналар ва уларнинг юридик шахс ҳуқуқи берилган таркибий бўлинмаларида тузилади.

Меҳнат жамоаси мажлиси (конференцияси) маъқуллаган, корхона раҳбари ва касаба уюшма қўмитаси раиси (ёки ходимларнинг бошқа ваколатли органи раҳбари) имзо чеккан жамоа шартномаси норматив-мажбурий кучга эга бўлади.

Жамоа шартномаси тузилиши олдидан иш берувчи билан касаба уюшма ўртасида жамоа музокаралари олиб борилади, касаба уюшмаси ёлланма ходимлар номидан қатнашади, уларнинг манфаатларини ифодалайди ва ҳимоя қилади.

Музокаралар олиб боришдан мақсад, бир томондан, корхонанинг самарали ишлашини таъминлашга қаратилган чораларни ишлаб чиқиш бўлса, иккинчи томондан, ходимлар меҳнатига муносиб ҳақ тўлаш, уларнинг турмуш даражасини ошириш, тиббий ва маданий хизмат кўрсатишни яхшилаш, меҳнат қилиш учун соғлом ва хавф-хатарсиз шароитларни яратиш билан қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишдир.

Музокаралар томонларнинг ўзаро ҳурмат, тенг ҳуқуқлилик, ҳақиқий молиявий ва ишлабчиқариш имкониятларини ҳисобга олиш, томонларнинг олган мажбуриятларни бажариш учун масъулиятни ҳис этиш асосида олиб борилади.

Музокаралар давомида ўзаро ва алоҳида мажбуриятлар, жамоа шартномаларини тузиш ва уларни бажариш йўллари, келиб чиқиши мумкин бўлган келишмовчиликларни ҳал этиш тартиби муҳокама қилинади.

Музокаралар олиб бориш учун томонларнинг баробар сонли вакилларидан иборат комиссия ташкил этилади. Комиссия таркиби, томонлар вакилларига бериладиган ваколатлар, музокаралар давомида уларнинг иш жойи, маоши, меҳнат ва ижтимоий имтиёзлари сақланиб қолиниши масалалари томонларнинг қўшма қарори билан тасдиқланади. Музокарада иштирок этувчи тарафларга жамоа шартномаси мазмунини ташкил этувчи масалаларни эркин танлаш ва муҳокама қилиш ҳуқуқи берилади.

2

Томонлардан бирининг таклифи, ташаббуси жамоа шартномаси тузиш юзасидан музокараларни бошлаш учун асос бўла олади, ёзма равишда киритилган таклифни олган тараф етти кун ичида музокарага киришиши шарт.

Музокараларга тайёргарлик кўриш даврида корхона касаба уюшма қўмитаси ходимларнинг таклифларини тўплаши, таҳлил қилиб чиқиши керак, бу - музокара жараёнида жамоа фикрига таяниш имконини беради.

Айни пайтда корхонанинг хўжалик ва молиявий фаолияти натижалари таҳлил қилиб чиқилиши лозим бўлади.

Музокара давомида томонларнинг манфаатлари бир-бирига мос келмаслиги намоён бўлиши мумкин.

Касаба уюшма қўмитасининг асосий мақсади - ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий ҳимоясининг имкон доирасидаги энг юқори даражасини таъминлайдиган таклифлар ҳамда мажбуриятларни жамоа шартномасига киритилишига эришишдир.

Иш берувчининг мақсади - ишлаб чиқариш сарф-харажатларини, шу жумладан ишчи кучига сарфланадиган харажатларни қисқартириш эвазига ишлаб чиқарилаётган маҳсулот (ишлар, хизматлар)нинг юқори рақобатбардошлигини таъминлаш ва пировард натижада, кўпроқ фойда олишдир.

Ишлаб чиқаришнинг иқтисодий кўрсаткичлари ёмонлашганда ходимлар даромадининг юқори даражасини сақлаб қолиш - мантиққа зид бўлиб, хўжалик юритувчи субъектнинг иқтисодий ночор аҳволга тушиши ҳатто банкрот бўлишига олиб келадиган йўлдир. Мулкдор ҳам, ходимлар ҳам бундан манфаатдор эмаслар.

Айни пайтда, иш ҳақининг ҳаддан ташқари паст даражаси меҳнат сифатига путур етказади ва ижтимоий тангликка олиб келади.

Бундан келиб чиқадики, жамоа шартномаси - фақатгина ишчилар хоҳиши ва иш берувчининг имконияти ўртасидаги мувозанатни белгиловчи ҳужжат эмас. Музокараларга тўғри ёндошилган тақдирда жамоа шартномаси - иш берувчининг ҳам, ходимларнинг ҳам юқори даромад олишларига кўмаклашувчи ҳужжат бўлиши мумкин.

Баъзи давлатларда бундай амалиёт мувафақиятли қўлланилмоқда, уларда охирги 20 йил мобайнида, иш ҳақининг маълум қисмини фирманинг рентабеллик даражаси билан боғлаш шарти қўйилган келишувлар ва жамоа шартномаларининг сони кўпайди. Бунда иқтисодчи олим проф. М.Вейцман таклиф этган "ходимнинг фойдада пайчилик асосида иштирок этиши таъминланган иш ҳақи тизими" қўлланилади.

3

Японияда бундай ёндошув "меҳнат маслаҳатлари тизими", деб номланади ва "меҳнат унумдорлиги учун ҳаракатнинг 3 тамойили"ни ўз ичига олади, яъни:

1.Бандликни қўллаб-қувватлаш ва кенгайтириш;

2.Ишчилар билан маъмуриятнинг меҳнат соҳасида бамаслаҳатлиги ва ҳамкорлиги;

3.Маъмурият, ишчилар ва истеъмолчилар ўртасида меҳнат натижаларини адолатли тасамад қилиш.

Бошқача айтганда, юқори даромад, ижтимоий кафолатлар ва имтиёзларни ишчилар ҳам, маъмурият ҳам "ишлаб топишлари" лозим.

"Меҳнат масалаҳатлари тизими"нинг баъзи жиҳатларини қўллаган ҳолда жамоа музокараларини йўлга қўйиш ва жамоа шартномаси мазмунига бу тарздаги "мажмуавий" ёндошувни жорий этиш учун корхона фаолиятининг пировард натижаларига эришишда меҳнат жамоасининг ҳиссасини холис баҳолаш имконини берувчи мезонни танлаб олиш керак бўлади. Бундай мезон сифатида турли кўрсаткичлар, масалан, маҳсулот (ишлар, хизматлар) ҳажмининг ошиши, ялпи ёки соф фойданинг кўпайиши, рентабеллик ёки ишлаб чиқариш унумдорлигининг юксалиши, ашъёларни тежаш, маҳсулот сифатига рекламациялар йўқлиги, товар айланмасининг ўсиши ва бошқа кўрсаткичлар қабул қилиниши мумкин.

Айни пайтда, ушбу кўрсаткичларнинг бирортаси ҳам барча ҳолларга мос келадиган умумий кўрсаткич бўлиб хизмат қила олмайди ва меҳнат жамоаси ҳиссасидан ташқари бошқа омилларга ҳам боғлиқдир. Масалан, ишлаб чиқариш ҳажми ва меҳнат унумдорлиги нафақат ходимларга, балки корхонани хомашё ва бошқа ашёлар билан ўз вақтида таъминланиб туришига ҳам боғлиқ. Ходимларнинг меҳнат ҳиссасидан қатъи назар маҳсулотнинг харидоргир эмаслиги, бошқарувдаги хатолар, талаб ва таклиф ўзгариши, кутилмаган ҳодисалар ва бошқа сабабларга кўра соф фойда камайиши мумкин. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сермеҳнат жараёнларга асосланган бўлса, ашёлар тежалишининг пировард натижага сезиларли таъсири бўлмайди.

Демак, "меҳнат жамоасининг ҳиссаси" мезони ҳар бир хўжалик юритувчи субъектнинг муайян хусусиятлари ва фаолият турига боғлиқ бўлиб, ўзаро маслаҳатлашув жараёнида танланиши лозим. Баъзида ушбу мезон сифатида, ҳисобга олинадиган даврда "меҳнат интизоми бузилишлари сони" ҳам хизмат қилиши мумкин.

Шу билан бир қаторда ишлаб чиқариш таннархига кирувчи иш ҳақининг тариф қисми ва меҳнат шароитлари билан боғлиқ тўловларга нисбатан "меҳнат маслаҳатлари тизими" тадбиқ этилмаслигини касаба уюшма қўмитаси талаб қилмоғи лозим. Бундан ташқари, ижтимоий кафолатларнинг маълум қисми (масалан, кам таъминланган оилаларга, ёлғиз кексаларга моддий ёрдам кўрсатиш ва бошқалар) пировард натижалардан қатъи назар белгиланиши керак.

4

Жамоа шартномаси тадбирларини бажариш учун маблағни шакллантиришда қуйидаги харажатлар ўртасида оқилона мутаносибликни таъминлаш муҳимдир:

· ходимларнинг меҳнат ҳиссаси билан боғлиқ тўловлар (иш ҳақини кўтариш);

· ходимларнинг меҳнат ҳиссаси билан боғлиқ бўлмаган сарф-харажатлар (ижтимоий имтиёз ва кафолатлар);

· ходимларнинг ишлаш қобилияти ва меҳнат сифатини сақлаб қолиш билан боғлиқ сарф-харажатлар (меҳнат муҳофазаси);

· ходимларнинг ишлаш қобилияти ва меҳнат сифатини юксалтириш билан боғлиқ сарф-харажатлар (ходимларни даволаш, соғломлаштириш, ўқитиш, қайта ўқитиш ва касбий тайёргарликдан ўтказишга йўналтириладиган маблағлар).

Мазкур масалалар бўйича музокаралар кейинчалик комиссиянинг мунтазам олиб бориладиган мажлисларида давом эттирилиб, уларда долзарб масалалар мажмуи муҳокама этилади. Бу масалалар - таклиф, талаб, ўзаро мажбуриятлар шаклида, эҳтимол жамоа шартномасининг муқобил варианти шаклида ҳам расмийлаштирилиши лозим.

Муҳокама этилаётган масалалар юзасидан икки томон бир фикрга келганидан кейин комиссия жамоа шартномаси лойиҳасини ишлаб чиқишга киришади.

Жамоа шартномаси лойиҳаси корхонанинг таркибий бўлинмаларида муҳокама қилинади ва тушган танқидий фикр-мулоҳазалар ҳамда таклифлар ҳисобга олиниб, меҳнат жамоасининг умумий мажлиси (конференцияси) муҳокамасига қўйилади.

Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, жамоа шартномаси лойиҳаси қонун ҳужжатларига нечоғлик мувофиқлигини аниқлаш, лозим бўлса уни янада бойитиш мақсадида лойиҳа юқори касаба уюшма органига (яъни тармоқ касаба уюшмасининг туман, шаҳар, вилоят кенгаши ёки вакиллигига) экспертиза қилиш учун тақдим этилиши керак.

Жамоа шартномасига томонлар унинг лойиҳаси меҳнат жамоасининг умумий мажлиси (конференцияси)да маъқулланганидан кейин уч кун ичида имзо чекишади. Имзоланган жамоа шартномаси юқори касаба уюшма органида рўйхатдан ўтказилади.

Қуйида жамоа шартномасининг мазмунига оид тавсиялар келтирилган. Таъкидлаш жоизки, мазкур тавсиялар умумий тусга эга бўлиб, уларни тўғридан-тўғри кўчириб олиш эмас, балки ҳар бир тармоқ, қолаверса муайян корхонанинг хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда қайта ишлаб чиқиш лозим. Ушбу тавсиялардаги баъзи боблар (масалан, "Мулкчилик шаклларини ўзгартириш", "Ишлаб чиқариш-иқтисодий фаолият") бюджет ташкилотлари, баъзи хусусий корхоналар ва ҳоказолар фаолиятига хос бўлмаслиги мумкин. Бундай ҳолларда жамоа шартномасига уларни киритиш мантиққа зиддир.

5

Жамоа шартномасида қуйидаги бўлимларнинг акс эттирилиши мақсадга мувофиқдир.

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1.1.Жамоа шартномаси томонлари.

1.2.Жамоа шартномасининг кучга кириш вақти ва амал қилиш муддати.

1.3.Жамоа шартномасининг ходимлар тоифалари, корхона бўлинмаларига нисбатан амал қилиш доираси.

1.4.Жамоа шартномасини қайта тузиш шартлари, унга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тартиби.

1.5.Жамоа шартномаси ижросини оммавий тарзда текшириш муддатлари.

1.6.Касаба уюшма қўмитаси тақдимномаларини иш берувчи томонидан кўриб чиқиш муддатлари ва мажбуриятларни бажармаганларга нисбатан кўриладиган чоралар.

1.7.Келишмовчиликларни ўзаро ишонч ва ҳурмат асосида ҳал этиш йўллари.

II. ТОМОНЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

2.1.Касаба уюшма томонидан ишлаб чиқаришни юксалтириш ходимлар фаровонлигининг негизи эканлигини эътироф этилиши.

2.2.Иш берувчи томонидан касаба уюшма қўмитасини корхона ходимларининг ягона ваколатли вакили сифатида тан олиниши.

2.3.Томонлар касаба уюшмаси аъзолик бадалларининг корхона бухгалтерияси орқали пул ўтказиш йўли билан тўланиши тартибини сақлаб қолиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайдилар.

2.4.Иш берувчининг мажбуриятлари:

а) жамоа шартномасига кирмаган ижтимоий-иқтисодий масалалар бўйича қарорлар қабул қилишдан олдин касаба уюшма қўмитаси билан олдиндан келишиб олиш;

б) касаба уюшма қўмитаси талаб қилганда унга меҳнат ҳамда ижтимоий-иқтисодий ривожланиш билан боғлиқ масалалар юзасидан маълумотлар тақдим этиш;

в) касаба уюшма қўмитасининг уставда белгиланган фаолиятини амалга ошириш учун уни хоналар, транспорт, ташкилий техника, алоқа воситалари, канцелярия моллари билан бепул таъминлаш;

6

г) касаба уюшма қўмитаси ҳисоб рақамига маданий-оммавий ва спорт-соғломлаштириш ишлари учун ҳар ойда меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг _____% миқдорида пул ўтказиб бориш;

д) барча ходимлар жамоа шартномасининг мазмуни билан таништирилиши учун тегишли чораларни кўриш.

2.5.Касаба уюшма қўмитасининг мажбуриятлари:

а) корхонанинг ижтимоий ва иқтисодий ривожланиш дастурларининг бажарилишига кўмаклашиш, бу борада ходимлар ташаббуси ва ижодиётини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш;

б) қўлланилаётган меҳнатга ҳақ тўлаш тизимлари, иш ҳақи тўланиши, жамоа шартномаси бўйича қўшимча тўловлар берилиши тўғрилигини, шунингдек меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлик техникаси шароитларини яхшилаш бўйича тадбирлар бажарилишини назорат қилиш;

в) меҳнат тўғрисидаги қонунлар ижросини назорат қилиш, ходимлар ҳуқуқий саводхонлигини юксалтиришга кўмаклашиш;

г) иш жойларидаги мавжуд камчиликларнинг ўз вақтида бартараф этилишига эришиш ва иш жойларини меҳнат муҳофазаси, хавфсизлик техникаси ва саноат санитарияси қоидалари талабларига мувофиқ ҳолатга олиб келиш борасида иш берувчи томонидан тегишли чоралар кўрилишини талаб қилиш;

д) ходимлар ва уларнинг оила аъзолари дам олиши ва соғломланиши учун ходимларнинг аризаларини тегишли соғломлаштириш масканларига йўлланмалар билан амалдаги меъёрлар доирасида таъминлаш;

е) корхонада меҳнат ва турмуш шароитлари аҳволининг жамоат назоратини ташкил қилиш ва амалга ошириш;

ж) касаба уюшма аъзолари орасида меҳнат ва ишлаб чиқариш интизомини мустаҳкамлашга қаратилган тушунтириш ва ташкилий ишларни олиб бориш, можароларга олиб келувчи вазиятларнинг олдини олишга қаратилган чоралар кўриш;

з) касаба уюшма аъзоларининг меҳнат қилиш ҳуқуқини ҳимоя қилиш.

III. ИШЛАБ ЧИҚАРИШ-ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ

3.1.Жорий йилда бажарилиши лозим бўлган ишлар ҳажми.

3.2.Режалаштирилган фойда миқдори ва уни тақсимлаш йўллари.

3.3.Хомашёни етказиб бериш шартномалари ва тайёр маҳсулотни сотиш.

3.4.Корхона таъсисчилигида барпо этилган қўшма, кичик ва бошқа ташкилотлар фаолият кўрсатишининг шартлари.

7

3.5.Ишлаб чиқариш дастурининг бажарилганлиги, молиявий аҳвол ва корхона фойдасидан фойдаланиш тўғрисида меҳнат жамоасини мунтазам хабардор қилиб бориш тадбирлари.

3.6.Ходимларни бозор муносабатларининг энг долзарб масалалари бўйича ўқитиш шарт-шароитлари.

IV. МУЛК ШАКЛЛАРИНИНГ ЎЗГАРИШИ (ХУСУСИЙЛАШТИРИШ)

4.1. Корхонани ва идорага қарашли турар-жойни хусусийлаштириш вақтида ходимларнинг манфаатларига риоя қилиш.

4.2. Меҳнат жамоасида жойлаштиришга мўлжалланган акцияларнинг ходимлар томонидан тўла сотиб олинишини таъминлаш чоралари

4.3. Хусусийлаштирилгандан кейин ижтимоий инфратузилма объектларининг фаолият кўрсатиш тартиби.

4.4. Аввал тузилган жамоа шартномасини корхона хусусийлаштирилганидан кейин амал қилиш муддатлари ва шартлари.

V. МЕҲНАТГА ҲАҚ ТЎЛАШ

5.1.Меҳнатга хақ тўлаш шакллари, тизими ва миқдори, пул мукофотлари, қўшимча тўловлар, нафақалар, компенсациялар, устамалар, рағбатлантириш тарзидаги тўловлар. Нархларнинг ўзгариб бориши, инфляция даражаси, жамоа шартномаси билан белгиланган кўрсаткичларнинг бажарилишига қараб меҳнатга ҳақ тўлашни тартибга солиш механизми.

(Қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари томонидан етиштирилган ва қайта ишланган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан амалга ошириладиган тўловларни маълум фоиз билан чегаралаш, тўловнинг бу шакли қўлланилганда касаба уюшмалари аъзолик бадалларини тўлиқ ҳажмда ва ўз вақтида ўтказишни таъминлаш)

5.2.Ягона тариф сеткаси нуллик разрядининг мазкур корхонада ўрнатиладиган ставкаси, ўртача иш ҳақининг етказиладиган даражаси

5.3.Иш ҳақини тўлаш муддатлари.

5.3.1. иш берувчининг айби билан ходимга ҳақ тўлаш белгиланган муддатларга нисбатан кечикканлиги учун жавобгарлик, шу жумладан, моддий жавобгарлик;

5.3.2. иш берувчи (ёки унинг вакили сифатида қатнашувчи шахс)нинг айби билан иш хақини тўлаш кечиктирилганда, унинг миқдорини индексация қилиш, ёки ходим фойдасига пеня ҳисоблаб чиқариш масаласи, раҳбарга нисбатан кўриладиган чоралар;

5.3.3. иш ҳақи дебиторлик қарзларнинг ундирилмаганлиги сабабли кечиктирилганда, дебиторлар билан тузилган шартнома ва солиштирма далолатномаларга мувофиқ қарздорлик билан бирга тегишли жарималар ва пенялар ундирилишини таъминлаш ҳамда ундирилган маблағлар ҳисобига меҳнатга ҳақ тўлашни тартибга солиш борасида иш берувчининг мажбурияти;

8

5.3.4. иш ҳақи тўловлари банк муассасалари айби билан кечиктирилганда банк билан мижоз ўртасида тузилган шартномага асосан тўловлар тегишли жарималар инобатга олинган ҳолда берилишини банкдан талаб қилиш ва шу маблағ ҳисобига меҳнатга ҳақ тўлашни тартибга солиш борасида иш берувчининг мажбурияти;

5.3.5. корхона балансида юқори ликвидли мулки бўлган тақдирда, иш ҳақидан қарздорликни тугатиш мақсадида мулкчилик гарови асосида банкдан кредит олиш борасида иш берувчининг мажбурияти;

5.4. Меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг тариф ва тарифга қўшимча қисмлари ўртасида мақбул нисбатни ўрнатиш. 2006 йилда Ягона ижтимоий тўлов ставкаси 6 фоизга камайтирилиши натижасида иқтисод қилинган маблағларни ходимлар иш ҳақини оширишга йўналтириш бўйича иш берувчиларнинг мажбурияти.

5.5. Меҳнатнинг янги нормалари, тариф сеткаси ва ишбай баҳоларни касаба уюшма қўмитаси билан албатта келишиб олиш.

5.6. Тўлиқ миқдорда ҳақ тўлаш учун имтиёзли меҳнат меъёрлари ўрнатилган шахслар (I ва II гуруҳ ногиронлари, 18 ёшга тўлмаган ходимлар, қисқартирилган иш вақти режимида ноқулай меҳнат шароитида банд қилинган ходимлар ва бошқалар) рўйхати.

5.7.Ходимларнинг турли тоифалари учун жорий этиладиган устамалар, қўшимча тўловлар ва компенсацияларнинг аниқ миқдорлари:

-ноқулай, оғир ва зарарли меҳнат шароитлари учун қўшимча тўловлар;

-кечки сменадаги, тунги вақтдаги, иш вақтидан ташқари вақтлардаги, дам олиш ва байрам кунларидаги ишлар учун оширилган миқдордаги иш хақи;

-ишдаги иқлим шароитлари учун (ёз ва қиш фаслларида) қўшимча тўловлар;

-бригадага раҳбарлик қилгани учун, ўриндошлик учун қўшимча тўловлар;

-кўп йиллик узлуксиз хизматлари учун, юқори касб маҳорати учун устамалар;

-ходимнинг хизмат даврида кўчиб юриш билан боғлиқ ишлардаги қўшимча харажатларини, шунингдек бошқа жойга кўчиб бориш билан боғлиқ харажатларини, хизмат сафари давридаги суткалик харажатларини қоплаш;

-қишлоқ хўжалиги ишларига жалб этилган ходимларнинг ўртача иш хақини сақлаб қолиш;

-иш берувчининг розилиги билан ходимга тегишли мол-мулк (транспорт воситалари, асбоб-

ТУЗИШ БЎЙИЧА ТАВСИЯЛАР

9

лар, ашёлар ва ҳоказо)дан фойдаланилганда ушбу харажатларни қоплаш;

-ходимнинг айби билан қисман брак деб топилган маҳсулотга хақ тўлаш миқдорлари;

-иш берувчи ва меҳнат жамоаси манфаатларига доир вазифаларни бажариш мақсадида (малака ошириш, рационализаторлик таклифларини жорий этиш ишида қатнашиш, хизмат сафарида бўлиш, тиббий кўрикдан ўтиш, навбатчилик ва бошқа ҳолларда) ходимни ишдан озод этиш шартлари, шунингдек ана шу давр учун тўланадиган кафолатли тўловлар миқдори;

5.8. Йил якунлари бўйича мукофотлаш, тақдирлаш тизимлари

5.9. Қўшимча имтиёзлар (овқатланишни арзонлаштириш, ишга бориб-келишдаги транспорт харажатларини қоплаш ва ҳоказо)

(Агар жамоа шартномасида корхона „молиявий аҳволи" ёки „ишлаб чиқариш кўрсаткичлари" ёмонлашган тақдирда қўшимча ва устама тўловлар бекор қилиниши кўзда тутилган бўлса, шартнома матнида бу тушунчалар нимани англатиши изоҳлаб берилиши керак).

VI. МЕҲНАТ ШАРТНОМАСИ. БАНДЛИК КАФОЛАТЛАРИ

6.1.Касбига, малакасига ва меҳнат шартномасига мувофиқ ходимларни тўла-тўкис иш билан таъминлаш

6.2.Меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилишни фақатгина касаба уюшма қўмитасининг розилигини олдиндан олиб амалга ошириш (корхона тугатилган ҳамда корхона раҳбари билан Меҳнат кодексининг 100-моддаси иккинчи қисмига биноан, шунингдек раҳбар ўринбосарлари ва бош ҳисобчи билан мулкдорнинг алмашиши сабабли меҳнатга оид муносабатлар бекор қилинган ҳоллар бундан мустасно)

6.3. Ходимнинг ташаббуси билан уни вақтинча бошқа ишга ўтказиш учун узрли сабаблар рўйхати, шунингдек бошқа ишга ўтказилганда меҳнатга ҳақ тўлаш тартиби.

6.4. Иш берувчининг ташаббуси билан ходимни бошқа ишга ўтказиш муддатининг чегараси, меҳнатга тўланадиган ҳақнинг аниқ миқдорлари, шунингдек ишлаб чиқариш зарурияти деб ҳисобланадиган ҳолатлар.

6.5.Корхона ва унинг тизим бирликларини тугатиш ёки қайта ташкил этиш, ишлабчиқаришни бутунлай ёки қисман тўхтатиш тўғрисидаги ниятни (агар бундай ҳолатлар иш жойларининг қисқартирилишига ёхуд меҳнат шартларини ноқулай тарзда ўзгартиришга олиб келадиган бўлса) касаба уюшма қўмитасига камида икки ой олдин етказиш

6.6.Иш ҳажми камайганда, мулк шакли

10

ўзгарганда иш жойлари ва кадрларни сақлаб қолиш мақсадида ишловчиларни иш берувчи ҳисобидан қайта тайёрлаш ва қайта ўқитишни уюштириш

6.7.Ходимлар сони қисқартирилаётганда:

а) ишдан бўшатиб олинган ходимларни иш билан таъминлаш учун цехлар, ижарали, кичик корхоналар барпо этишни кўзда тутиш;

б) вақтинча ишлайдиган ходимлар сонини чегаралаш, ўриндошликни тақиқлаш, четда бажариладиган ишларни жамоанинг ўзига бериш;

в) ходимларнинг ҳоҳишига кўра уларга иш хақи сақланмаган ҳолда қисқа муддатли таътиллар бериш;

г) қисқартириш тўғрисидаги огоҳлантириш амал қилаётган даврда ходимнинг ўз хоҳиши билан меҳнат шартномасини бекор қилинишини томонлар келишувига биноан огоҳлантириш муддатига мувофиқ келадиган пуллик компенсация тўлаш билан амалга ошириш;

д) бўшатиб олинаётган ходимларни ишга жойлаштириш ва бошқа касбга ўргатиш учун меҳнат органлари билан шартнома тузиш;

е) меҳнат бозорида тенг шароитда рақобат қила олмайдиган ходимларнинг штатлар қиқартирилиши муносабати билан ишдан бўшатилишига йўл қўймаслик;

ж) қисқартириш ўтказилаётганда ишда қолдириш учун афзаллик ҳуқуқи бериладиган ходимлар тоифаларини белгилаб қўйиш (агар улар Меҳнат кодексининг 103 моддасига биноан бундай имтиёзга эга бўлмасалар).

6.8. Меҳнат шартномаси томонларининг моддий жавобгарлиги. Иш берувчининг ходим келтирган зарарни қоплаш тўғрисидаги даъвосидан воз кечиш ҳоллари.

6.9. Тўлиқ моддий жавобгарлик ҳақида шартнома тузиладиган ходимларнинг (агар улар бевосита пул ёки товар қимматликлари билан муомала қиладиган бўлсалар) тоифалари рўйхати, шунингдек бевосита пул ёки товар бойликлари билан муомала қилувчи ходимлар томонидан ишлар биргаликда бажариладиган бўлса, жамоа (бригада) моддий жавобгарлиги жорий этилиши мумкин бўлган бўлинмаларнинг рўйхати.

VII. ИШ ВАҚТИ ВА ДАМ ОЛИШ ВАҚТИ

7.1.Ходимлар учун иш ҳафтасининг узунлиги (соат):

-нормал меҳнат шароитларидаги ишларда банд бўлган ходимлар учун, (МК 115-моддасига биноан: 40 соатдан ортиқ бўлиши мумкин эмас)

11

-меҳнат шароити ноқулай ишларда банд бўлган ходимлар учун 15-сон иловада келтирилган рўйхатга мувофиқ; (МК 117-моддасига биноан: 36 соатдан ортиқ бўлиши мумкин эмас)

-16 ёшдан 18 ёшгача бўлган ходимлар учун; (МК 242-моддасига биноан: 36 соатдан ортиқ бўлиши мумкин эмас)

-16 ёшга тўлмаган ходимлар учун; (МК 242-моддасига биноан: 24 соатдан ортиқ бўлиши мумкин эмас)

-I ва II-гуруҳ ногиронлари бўлган ходимлар учун; (МК 220-моддасига биноан: 36 соатдан ортиқ бўлиши мумкин эмас)

-алоҳида тусга эга бўлган ишларда ва меҳнат шароити ўта зарарли ва ўта оғир ишларда банд бўлган ходимлар учун; (Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 11 мартдаги 133-сон қарорида кўрсатилган меъёрлар)

-уч ёшга тўлмаган болалари бор, бюджет ҳисобидан молиявий жиҳатдан таъминланадиган ташкилотлар ва муассасаларда ишлаётган аёллар учун; (МК 228[1] -моддасига биноан: 35 соатдан ортиқ бўлиши мумкин эмас)

7.2. Ходимларни иш вақтидан ташқари вақтлардаги, кечки ва тунги вақтдаги, дам олиш ва байрам кунларидаги ишларни бажаришга жалб этиш тартиби

7.3. Ходимлар турли гуруҳлари учун иш кунининг узунлиги

12

7.4. Ходимнинг илтимосига кўра унга тўлиқсиз иш вақти белгиланиши учун асослар рўйхати.

7.5. Иш вақтини жамлаб ҳисобга олишни қўллаш тартиби, шунингдек ҳисобга олинадиган давр мобайнида ходимларга ҳар ойда тўланадиган иш хақи миқдорини тенглаштиришга қаратилган чора-тадбирлар. Иш вақтини жамлаб ҳисобга олишда ҳисобга олинадиган давр муддати (ой, чорак, ярим йил, йил).

7.6. Йиллик асосий ва йиллик асосий узайтирилган таътилларнинг энг кам муддати

7.7. Қўшимча таътиллар олиш ҳуқуқини берувчи ишлар, касблар ва лавозимлар рўйхати, қўшимча таътиллар муддати, уларни бериш тартиби ва шартлари

7.8. Йиллик қўшимча таътилларни олиш ҳуқуқини берадиган иш стажини ҳисоблаб чиқаришнинг алоҳида қоидалари

7.9. Табиий-иқлим шароитлари оғир ва ноқулай жойларда (ҳатто улар бундай жойларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳукумати томонидан белгиланган рўйхатга кирмаган тақдирда ҳам) ходимларга йиллик қўшимча таътил бериш масаласи

7.10. Йиллик таътиллар учун хақ тўлаш муддатлари

7.11. Болалик аёл ходимлар учун:

-болани парваришлаш таътиллари вақтини кейинги хақ тўланадиган йиллик таътил олиш ҳуқуқини берадиган иш стажига қўшиш шартлари;

-икки ёшга тўлмаган болани овқатлантириш учун бериладиган танаффусларнинг аниқ муддати ва уларни бериш тартиби

7.12. Ходимга иш хақи сақланмаган ҳолда таътиллар бериш шартлари. Муддати икки ҳафтадан кўп бўлган иш хақи сақланмаган ҳолда бериладиган таътиллар вақтини ҳам йиллик асосий таътилни олиш ҳуқуқини берадиган меҳнат стажига қўшиш шартлари

7.13. Ходимларга оилавий сабабларга кўра, шунингдек ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда таълим олаётган ходимларга, иш хақи сақланиб қолдириладиган қўшимча таътиллар (меҳнат таътилидан ташқари) бериш шартлари

VIII. МЕҲНАТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ

(Мазкур боб бўйича батафсил тавсиялар алоҳида чоп этилади)

IX. МЕҲНАТ ИНТИЗОМИ

9.1.Ходимлар томонидан меҳнат вазифаларининг бажарилишини мавжуд меъёрий ҳужжатлар (меҳнат шартномалари, Устав, корхона Устави, Низоми, ички тартиб қоидалари) асосида назорат қилиниши ва амалга оширилиши

9.2.Ходимларни ишдаги муваффақиятлари учун рағбатлантириш турлари, уларни қўллаш тартиби, афзаллик ва имтиёзлар бериш

9.3.Юбилей саналари ва пенсия ёшига етганда рағбатлантириш

9.4.Ходимларнинг корхона (тармоқ)даги узлуксиз меҳнат стажи саналарини нишонлаш

X. ИЖТИМОИЙ ИМТИЁЗ ВА КАФОЛАТЛАР

(Мазкур бобга киритилган ижтимоий тўловлар миқдорини Ўзбекистон Республикасида ўрнатилган энг кам иш ҳақига нисбатан фоиз ҳисобида режалаштириш, шунингдек аввалги йилларда ўрнатилган имтиёзларни имкон қадар сақлаб қолиш мақсадга мувофиқдир).

10.1. Ходимларнинг турли гуруҳлари учун ижтимоий-маиший имтиёзлар, қўшимча ижтимоий суғурталаш, моддий ёрдам кўрсатиш, тиббий хизмат кўрсатиш, дам олиш ва санатория-курортларда даволаш, уй-жой қурилиши масалалари ва ҳоказо

10.2. Меҳнатни муҳофаза қилиш, иш вақти, таътиллар ва бошқа меҳнат шартлари соҳасида ўн саккиз ёшга тўлмаган шахслар учун қўшимча имтиёзлар.

10.3. Таълим муассасаларида ишлаб чиқа-

13

ришдан ажралмаган ҳолда ўқиб, ўқув режасини бажараётган ходимлар учун иш жойидан ҳақ тўланадиган қўшимча таътилга чиқиш, қисқартирилган иш ҳафтаси шароитида ишлаш ва бошқа имтиёзлар.

10.4. „Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 10-моддасига биноан пенсия ёшига яқинлашиб қолган ходимларнинг шахсий жамғариб бориладиган ҳисобварақларига қўшимча маблағ ўтказишни назарда тутиш мумкин, бунинг учун қўшимча маблағнинг миқдори ва ўтказиш муддатларини жамоа шартномасида белгилаб қўйиш мақсадга мувофиқдир.

10.5. 2006 йилнинг ҳомийлар ва шифокорлар йили деб эълон қилиниши муносабати билан қуйидаги тадбирларни амалга ошириш:

10.5.1. меҳнат жамоасига алоқадор ногирон, кам таъминланган, кўп болали оилаларга, собиқ байналмилалчи жангчилар, иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари, Чернобил АЭСдаги ҳалокат оқибатида нурланиш касаллигига чалинганларга тиббий хизмат кўрсатиш, дори-дармонлар билан боғлиқ сарф- харажатларни қоплаш ва уларга моддий ёрдам бериш;

10.5.2. кам таъминланган ва ёш оилалар вакилларини, ногиронларни дам олдириш ва санатория-курортларда соғломлаштириш;

10.5.3. кўп болали (4 ва ундан ортиқ боласи бор) аёлларнинг ойлик маоши сақланган ҳолда иш ҳафтасини 1 соатга қисқартириш;

10.5.4. ёлғиз пенсионерларнинг уй-жойларини таъмирлаш;

10.5.5. ишламайдиган пенсионерларга ўзлари ишлаган корхона, ташкилотлар томонидан байрам саналарида моддий ёрдам кўрсатиш;

10.5.6. ёлғиз пенсионерлар вафот этган тақдирда дафн маросими харажатларини корхона маблағлари ҳисобидан қоплаш.

10.5.7. ишловчи аёлларга бериладиган туғишгача ва туғишдан кейинги ҳақ тўланадиган таътиллар кунини корхона ҳисобидан узайтириш;

10.5.8. фарзандлари 2 ёшдан 3 ёшга тўлгунга қадар таътилда бўлган оналарга ҳар ойда моддий ёрдам кўрсатиб бориш;

10.5.9. мазкур корхонада узоқ йиллар меҳнат қилиб келаётган ходимларнинг вақтинчалик меҳнатга лаёқатсизлик варақалари бўйича тўланадиган нафақаларига қўшимча тарзида моддий ёрдам кўрсатиш.

XI. МАДАНИЙ-ОММАВИЙ, ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ-СОҒЛОМЛАШТИРИШ, СПОРТ ИШЛАРИ

11.1.Корхона, ташкилот ва муассасаларда

14

"Маънавият ва маърифат" хоналарини ташкил этиш, уларнинг мунтазам равишда фаолият кўрсатиши учун зарур шарт-шароит яратиб бериш.

11.2.Маданият уйлари, саройлари ва клубларнинг моддий-техника негизини мустаҳкамлаш, уларни ўз вақтида таъмирлаб бориш ва жиҳозлаш.

11.3. "Маънавият ва маърифат" хоналари, клублар, маданият саройлари ва уйларини Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари, Мустақиллик йилларида чоп этилган замонавий адабиётлар ҳамда плакатлар ва техник воситалар билан таъминлаш.

11.4. Маданият уйлари, саройлари ва клублар учун хўжалик органлари ҳисобидан меъёрий даражада маблағлар ва штатлар ажратиш.

11.5.Умумхалқ ва касб байрамлари арафасида кам таъминланган, кўп болалик, ёлғиз оилаларга, меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларига хайрия ёрдами кўрсатиш.

11.6.Тарихий ёдгорликлар мавжуд бўлган Республиканинг қадимий шаҳарларига саёҳатлар уюштириш.

11.7.Меҳнаткашлар фарзандларини Янги йил арча байрами томошаларига таширифини уюштириш, уларни хўжалик органлари маблағлари ҳисобидан байрам совғалари билан тақдирлаш.

11.8.Меҳнат жамоалари ва ўқув юртларида жисмоний тарбия жамоаси ёки клубни тузишга эришиш. Уларда Республика ҳукумати томонидан жорий этилган "Алпомиш" ва "Барчиной" махсус тестлари меъёрий талабларининг бажарилиши учун шароит яратиб бериш.

11.9.Меҳнат жамоаларида хўжалик органлари маблағлари ҳисобидан жисмоний тарбия бўйича йўриқчи лавозимини киритиш.

11.10.Меҳнат жамоаларида ишлаб чиқариш гимнастикасини жорий этиш.

11.11.Корхона, ташкилот ва ўқув юртлари тасарруфидаги спорт иншоотларини зарур жиҳозлар ва анжомлар билан таъминлаш. Турар-жой ва ётоқхоналар атрофида спорт майдончалари, кичик заллар қуриш ҳамда керакли спорт жиҳозлари билан таъминлаш.

11.12.Меҳнаткашлар фарзандларини болалар ва ўсмирлар спорт мактабларига кенг жалб этиш, уларнинг ва ота-оналарининг спорт-соғломлаштириш гуруҳларидан имтиёзли равишда фойдаланишлари учун маблағ ажратиш.

11.13.Меҳнат жамоаларида, ўқув юртларида мунтазам равишда спорт турлари бўйича мусобақалар уюштириш, ғолибларни муносиб тақдирлаш, туман, шаҳар, вилоят, Республика ва халқаро мусобақаларда иштирок этишлари учун ҳар томонлама шароит яратиб бериш.

11.14.Болалар соғломлаштириш оромгоҳларининг моддий-техника негизини мустаҳкамлаш, уларни мавсумга ўз вақтида тайёрлаш.

11.15.Оромгоҳларни эстетик жиҳатдан жиҳозлаш, болаларнинг хавфсизлигини таъминлаш бўйича барча чораларни белгилаш.

15

11.16.Болалар соғломлаштириш оромгоҳларида "Маънавият ва маърифат" хоналари ва бурчаклари, кутубхоналар ташкил этиш ва уларни керакли кўргазмалар ва Президент асарлари ва янги бадиий асарлар билан таъминлаш.

11.17.Тасарруфидаги оромгоҳ ходимларини овқатлантиришни арзонлаштириш учун қўшимча маблағлар ажратиш.

11.18. Юқорироқ ижтимоий ҳимояга муҳтож ходимлар фарзандлари учун болалар соғломлаштириш оромгоҳларига йўлланмаларни корхона ҳисобидан харид қилиш.

XII. МЕҲНАТ НИЗОЛАРИ

12.1. Меҳнат низолари комиссиясини тузиш, унинг миқдорий таркиби ва ваколатлари муддати

XIII. КАСАБА УЮШМА ҚЎМИТАСИ ВА САЙЛАНИБ ҚЎЙИЛАДИГАН КАСАБА УЮШМА ФАОЛЛАРИ ФАОЛИЯТИНИНГ КАФОЛАТЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШ

13.1.Асосий ишидан озод қилинган касаба уюшма ходимларини меҳнат жамоаси аъзоси сифатидаги ҳуқуқлари, уларга корхонадаги барча имтиёзлардан фойдаланиш ҳуқуқини бериш, уларнинг корхонада (тармоқда)ги узлуксиз иш стажи сақлаб қолиниши

13.2. Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича вакиллар ва меҳнат низолари комиссиялари аъзоларини Халқаро меҳнат ташкилотининг 135-Конвенцияси томонидан муҳофаза қилинадиган меҳнаткашлар вакиллари деб эътироф этиш.

13.3. Касаба уюшма қўмитасига сайланиб асосий ишидан озод қилинмаган ходимларнинг касаба уюшмаси вазифаларини бажариш учун кетган вақтига хақ тўлаш

Жамоа шартномасига иловаларнинг тавсиявий рўйхати

1.Меҳнат муҳофазаси бўйича келишув

2.Ходимларни жорий мукофотлаш тўғрисидаги низом

3.Ходимлар тоифалари учун меҳнатга хақ тўлаш тўғрисидаги низом

4.Корхонада қабул қилинган тарификация

5.Кўп йиллик хизматлари учун устама тўлаш тўғрисидаги низом

6.Йил якунлари бўйича рағбатлантириш тўғрисидаги низом

7.Навбатдаги меҳнат таътилига кетишда моддий ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги низом

8.Моддий ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги низом

16

9.Ходимга тегишли мол-мулкдан фойдаланилганда харажатларни қоплаш тўғрисидаги низом

10.Пенсияга чиқишда бир марталик моддий ёрдам пулини тўлаш тўғрисидаги низом

11.Махсус кийим-бош, махсус пойабзал ва бошқа якка тартибдаги ҳимоя воситаларини бепул оладиган касб ва лавозимлар рўйхати

12.Ишлаган кунларида бепул совун оладиган касблар рўйхати

13.Ишдан ташқари вақтларда, тунги, кечки вақтларда, дам олиш ва байрам кунларидаги ишлар рўйхати ва бундай ишларга жалб қилиниши мумкин бўлган лавозимлар рўйхати

14. "Ишлаб чиқариш зарурати" деб эътироф этиладиган ҳолатлар мезонлари

15.Қўшимча таътил ва қисқартирилган иш куни ўрнатиладиган ноқулай меҳнат шароитларидаги касб ва лавозимлар рўйхати

16.Тўлиқ моддий жавобгарлик тўғрисидаги шартнома тузиш мумкин бўлган ходимлар рўйхати

17.Йиллик узайтирилган ёки қўшимча таътил ҳуқуқини берувчи лавозимлар рўйхати

18.Ишламаётган ходимлар ўрнига ишлаганда қўшимча тўловларни аниқлаш ва тақсимлаш тартиби тўғрисидаги низом

19.Талаба ва ўқувчиларнинг ишлаб чиқариш амалиётига раҳбарлик қилган ходимлар меҳнатига хақ тўлаш тўғрисидаги низом

20.Корхонани капитал таъмирлаш ишлари режаси

21.Қишки-баҳорги ва кузги-қишки мавсумга тайёргарлик кўриш режалари

Юқорида келтирилган тизимга мувофиқ тузилган жамоа шартномаси ўз кучини шартномада кўрсатилган муддатгача ёки томонлар янги шартнома тузгунларига қадар сақлаб қолади. Унга ўзгартириш ва қўшимчалар киритишда жамоа шартномасини қабул қилишдаги тартиб қўлланилади. Жамоа шартномасининг мазмуни билан барча ходимлар таништирилиши шарт.

Корхона таркиби, структураси, номи ёки раҳбари ўзгариши жамоа шартномаси тақдирига таъсир қилмайди

Корхона мулк эгасининг ўзгариши шартномани олти ой ичида қайта тузишни талаб этади. Агар томонларнинг биронтаси музокараларни бошлаш ташаббуси билан чиқмаса, жамоа шартномаси кўрсатилган муддатда ўз кучини йўқотади.

Жамоа шартномаси қандай бажарилганлиги тўғрисида унга имзо чеккан шахслар (корхона комиссияси томонидан тузилган далолатнома асосида) йилида камида бир марта (ёки жамоа шартномасида белгиланган муддатларда) меҳнат жамоаси умумий йиғлиши (конференцияси) олдида ҳисобот берадилар.

Ўзбекистон КУФК меҳнаткашлар ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш бўлими

Амир Темурнинг 670 йиллиги олдидан

Тўйга тўёна тайёрлаш халқимизнинг азалий анъанаси. Қашқадарё воҳасининг бой тарихий меъморий обидаларини, зиёратгоҳ ва табиий жиҳатдан эътиборга молик сўлим масканларини кенг тарғиб этишга мўлжалланган минтақавий дастур ишлаб чиқилган бўлиб, қадимда «илму адаб қуббаси» деб эътироф этилган Шаҳрисабзнинг ободончилиги йўлида катта ишлар амалга оширилаяпти.

ТОҒЛАР БАҒРИДАГИ ЗУМРАД ШАҲАР



«Кеш атрофидаги деворлар ва шаҳарнинг ўзи, унинг томлари чиройли майсалар билан қопланган. Шунинг учун ҳам уни Шаҳрисабз, яъни (яшил шаҳар) деб ҳам аташади», деб ёзган эди Заҳириддин Муҳаммад Бобур «Бобурнома» асарида. Ҳақиқатан ҳам Амир Темур даврида Шарқ тамаддуни марказларидан бирига айланган, Мағрибу Машриққа танилган бу гўзал маскан ўзининг ажойиб табиати, пурвиқор тоғлари, ям-яшил боғлари билан ажралиб туради. Қадим маданиятимизнинг яловбардорлари, шеъриятимизнинг улуғ алломалари Мирзо Бедил, Хусрав Деҳлавий, Мирза Ғолиб каби шоирлар шажараси Шаҳрисабзга келиб тақалади.

Ўзи туғилиб ўсган маъвони муқаддас билган, табаррук заминда камол топган буюк соҳибқирон Шаҳрисабзни салтанатининг биринчи пойтахти деб бениҳоя қадрлади. Давлатнинг маркази Самарқандга кўчирилганда ҳам қадимий Кеш саркарда давлатидаги зумрад шаҳар бўлиб тарихда қолди.

Улуғ саркарда топшириғи билан айнан шу ерда кўҳна Шарқ меъморчилигининг ҳақиқий дурдонаси ҳисобланган Оқсарой бунёд этилди. Жаҳоннинг энг зўр меъморлари йигирма йил мобайнида улкан бинони барпо қилишди ва яна тўрт йил давомида пардозлаш ишларини олиб бордилар.

Испан элчиси Руи Гонсалес де Клавихонинг гувоҳлик беришича, саройнинг пардозланишига ҳатто Париж усталари ҳам қойил қолган бўлар эдилар. Бир қанотининг баландлиги етмиш метрга етадиган Оқсаройнинг ҳозирги қолдиқлари авлодларимиз сўнмас маҳоратидан дарак бериб турибди. Истиқлолдан сўнг шаҳар тарихида янги саҳифалар очилди. Президентимизнинг миллий қадриятларимизни тиклаш, аждодларимиз меросини ўрганиш, кўҳна шаҳарлар вужудга келган тарихий саналарни нишонлаш борасидаги ташаббуслари туфайли улкан бунёдкорлик фаолиятига кенг йўл очилди.

Тарихий обидаларни таъмирлашга дастлаб давлат арбоби ва олим Мирзо Улуғбекнинг 600 йиллик юбилейи арафасида киришилди. Илм-маърифат ҳомийси томонидан қурдирилган Кўкгумбаз, Гумбази Сайидон меъморий обидаларининг ички нақш безаклари янгиланди.

1996 йил ЮНЕСКО томонидан Амир Темур йили деб эълон қилинди. Соҳибқирон таваллудининг 660 йиллиги кенг нишонланиши муносабати билан Шаҳрисабз катта қурилиш майдонига айланди. Темур фаолияти билан боғлиқ тарихни ўрганиш, осори атиқаларни сақлаб қолиш ва таъмирлаш соҳасида изчил илмий изланишлар олиб борилди.

Юртбошимиз Фармонига асосан шаҳарнинг 2700 йиллиги нишонланиши ва Шаҳрисабзнинг «Амир Темур» ордени билан мукофотланиши қашқадарёликлар қалбини тўлқинлантириб юборди.

Тарихий обидаларнинг янги ҳаётини тиклаш учун мамлакатимизнинг ҳамма бурчакларидан усталар таклиф этилди. Оқсарой ёдгорлиги пойидаги кенг майдонда Амир Темур ҳайкали ўрнатилган. Эндиликда сайилгоҳ мақомини олган бу жой шаҳрисабзликлар учун муқаддас гўшага айланиб қолган. Асрларнинг гувоҳи бўлган отахону онахонлар, бахтиёр йигит-қизлар, келажагимиз воислари жажжи болажонлар боболари ёдгорлиги пойига анвойи гулларни қўяр эканлар, ўзларининг буюк аждодлари яшаб ўтганлигидан фахрланадилар.

Бугунги Шаҳрисабз деҳқончилик, саноат, ҳунармандчилик ва маданият масканигина эмас, балки бутун дунёдан зиёратчи ва сайёҳлар оқиб келадиган гўзал ва замонавий шаҳардир.

Соҳибқирон Оқсарой пештоқига «Кимки бизнинг қудратимизни билмоқчи бўлса, биз қурган иморатларни келиб кўрсин» деган сўзларини бежизга ёзиб қўйган эмас. Ҳисор тоғларидан боққан киши яшилликка бурканган баҳаво шаҳарни, қўлигул усталар бунёд этган, етти иқлимга маълум ва машҳур турли шишалар ва қимматбаҳо тошлар билан безатилган» дея таъриф беришган.

Мажмуа ўртасидаги 50 га яқин ҳовли-жойлар кўчирилиб, археологлар томонидан ўрганилди. Бинонинг пойдевори очилиб, консервация қилинди. Иморатнинг ички нақш безаклари, Ҳазрати Имом масжиди тўлиқ таъмирланди. Ҳовлиси ободонлаштирилиб, мажмуа ёнида сайёҳларнинг дам олиб, ҳордиқ чиқаришлари учун боғ яратилди.

Кўкгумбаз меъморий обидаси, Чорсу ёдгорлиги, Чубин мадрасаси таъмирдан чиқарилди.

Оқсарой мажмуасида мисли кўрилмаган таъмирлаш ва ободончилик ишлари олиб борилди. Бино 38-41 метр ҳолатда консервация қилинди. Оғиб турган иморат махсус мосламалар билан мустаҳкамланди. Ер ости сувлари кўтарилиб кетиши оқибатида бинога зарар етишининг олдини олиш мақсадида 4 та сув сатҳини пасайтирувчи қудуқ, 1 та кузатув қудуғи қурилди. Ҳовлидаги пол қолдиқлари очилиб, усти ликқон билан ёпилди.

ЮНЕСКО 2000 йилнинг 11 февралида Австралияда ўтказилган анжуманда Шаҳрисабзни жаҳон цивилизациясининг энг қадимги шаҳарларидан бири сифатида Бутун жаҳон мероси рўйхатига киритиш тўғрисида қарор қабул қилган эди. Айни пайтда муаззам Оқсарой ва Темурийлар даврининг бошқа обидалари Ҳиндистондаги Тожмаҳал, Франциядаги Биби Марям ибодатхонаси, Версал саройи, Мисрдаги Фиръавн эҳромлари ва бошқа шу каби машҳур ёдгорликлар билан тенг мақомда тилга олинади.

Ўтган даврда самарқандлик, бухоролик, хоразмлик, Фарғона водийсидан келган уста ва ҳунармандлар тарихий обидаларни таъмирлаш ва сайқаллашда 1 миллиард сўмликдан ортиқ иш бажаришди.

Қашқа воҳасининг чиройига чирой қўшиб турган, нафосат ва гўзаллик рамзи ҳозирги замон меъморчилигининг бетакрор кошоналари қад кўтарган, қадимий ва ҳамиша навқирон Шаҳрисабзда Амир Темурнинг 670 йиллик таваллуди олдидан кенг кўламдаги қурилиш ва ободончилик ишлари амалга оширилаяпти. Тарихда гоҳ Гава Суғда, гоҳ Наутака, Гоҳ Кеш деб аталган сабзавор шаҳар дунёга ўзининг кўрку камоли, қадди-бастини, асрий ёдгорликларини намоён этмоқда.

И.ИСОМИДДИНОВ

Жиззах шаҳридаги «Меҳр-мурувват шаҳарчаси»да ана шундай маскан бунёд этилди. Уни «Камол» кўп тармоқли қурилиш корхонаси бунёдкорлари амалга оширишди. Қўшқаватли кўркам кошонани қуриш ва жиҳозлашга 150 миллион сўм маблағ сарфланди.

АХБОРОТ-КУТУБХОНА МАРКАЗИ

– Марказда электрон вариант ва интернетдан кенг фойдаланиш имконияти яратилди, – дейди ахборот-кутубхона маркази директори, Президент стипендианти соҳиби Улуғбек Расулов. – Нью-Йорк, Москва, Санкт-Петербург каби шаҳарлардаги йирик кутубхоналар билан тўғридан-тўғри интернет алоқаси ўрнатганмиз. Эндиликда жаҳон кутубхоналаридаги ноёб адабиётларни жиззахлик китобхонлар компьютер техникаси орқали бемалол ўқиб олишлари мумкин.

Марказда 8 та бўлим мавжуд бўлиб, 38 нафар кутубхоначи қулай шароитларда меҳнат қилишмоқда. Барча бўлимлар янги адабиётлар билан тўлдирилиб, замонавий жиҳозлар билан таъминланган. 60 минг нусхадаги китоб фондига эга бу зиё маскани китобхонларнинг севимли даргоҳига айланиши шубҳасиз.

Н.БЎРИЕВ

САВОБ ҲАМ КЕРАК

Нуротанинг географик тузилиши, табиати асло бошқа туманларникига ўхшамайди. Бу ерда ҳайқириб оқаётган дарёлар йўқ. Аҳолининг асосий қисми азал-азалдан тоғ ёнбағирларида яшаб булоқлардан сув ичади. Шу боисдан ҳам олис-олислардаги, хусусан, чўл ҳудудларидаги умумтаълим мактабларини таъмирлаш, ўқув қуроллари, ёқилғи билан таъминлаш, ёнилғи маҳсулотлари етказиб бериш бироз қийинчилик туғдиради.

Шундай бўлса-да, туман халқ таълими бўлими томонидан белгиланган тадбирга асосан ҳеч бир ўқув даргоҳи эътибордан четда қолмайди. Туманда 2004-2009 йиллар мобайнида 2 та янги мактаб биноси қурилиши, 15 та умумтаълим мактабларини қайта реконструкция қилиш, 18 та мактабни капитал таъмирлаш, 14 та мактабни жорий таъмирлаш давлат дастурига киритилган.

Ўтган йилнинг ўзида Нурота шаҳридаги Ибн Сино массивида янги мактаб қад ростлади, 4-,12 мактабларда капитал реконструкция, 7-,32-мактабларда капитал таъмир, 33-, 43-, 46-, 48-мактабларда жорий таъмирлаш ишлари тўла ниҳоясига етказилган.

Ибрат

Мазкур ўқув даргоҳларига қаттиқ жиҳозлар ва ўқув лаборатия асбоб-ускуналари ажратилди. Шуниси эътиборлики, мактабларда қурилиш ва таъмирлаш ишларини вилоят халқ таълими бошқармаси томонидан ташкил этилган танловда ғолиб чиққан «Кучот» МЧЖ қурилиш-таъмирлаш корхонаси, «Арба» қурилиш-таъмирлаш хусусий фирмаси, «Тожмаҳал» қурилиш корхонаси, «Шодия» ишлаб чиқариш кичик корхонаси, «Амир Темур» масъулияти чекланган жамиятлари сифатли амалга ошириб, мактабларга ҳомийлик ёрдами сифатида ишнинг бир қисмини ўз ҳисобларидан бепул бажариб бердилар.

Я.САРИЕВ,
«Ишонч» мухбири

Акция

ЧЕКМАСДАН ЁШЛИК ГАШТИНИ СУР

Республика ўқувчилар саройида «Чекмасдан ёшлик гаштини сур» республика акциясини якуний босқичи ҳамда ғолибларни тақдирлаш маросими бўлиб ўтди. Ушбу акциянинг натижалари эса «Тасвирий санъат», «Театр саҳнаси», «Рефератлар» йўналишлари бўйича аниқланди.

«Тасвирий санъат» йўналишида қатнашган ёш истеъдодлар тақдим этган ижодий ишлар кўпчиликка манзур бўлди.Тошкент шаҳар Миробод туман ўқувчилар ижодиёти маркази тўгарак аъзоси Насиба Айитмуротова совринли биринчи ўринни қўлга киритди. Жиззах, Андижон, Сирдарё, Бухоро каби вилоятлардан қатнашган ёш истеъдодлар ҳам муносиб тақдирландилар.

«Театр саҳнаси» йўналиши бўйича ҳам ғолиблар аниқланди. Совриндорлар республика ўқувчилар саройи ҳамда «Соғлом авлод учун» жамғармаси томонидан совғалар билан мукофотландилар.

Биласизми?

САЁҲАТЧИ ТОШБАҚА

1967 йил февралида Шимолий Каролина (АҚШ)лик Херлок исмли фермер бир тошбақа топиб олган. Фермер бир парча қоғозга ўз номи ҳамда манзилини ёзиб, тошбақа косасига ёпиштирди-да, жониворни қўйиб юборди.

Сентябр ойининг бошларида Херлок Огайо штатидан мактуб олди. Унда: «сизнинг тошбақангизни орқасига қайтариб юбордик. Кутинг!» деб ёзилган эди.

Қарангки, саёҳатчи тошбақа ярим йилда 600 километр йўлни босиб ўтибди.

ШАМ – БАЛИҚ

Эвлахон деб аталган балиқнинг турган-битгани ёғ. Америка ҳиндлари ундан ҳатто чироқ ўрнида фойдаланишади. Бунинг учун балиқ офтобда қуритилади. Кейин ипга осиб ёқилса, шамдан қолишмайдиган даражада ёруғлик беради.

АНТИҚА БИЛЛУР

Тоғ биллурининг йирик, соф кўринишлари табиатда камдан-кам учрайди. Австрияда топилган мана бу тоғ биллури «парчаси»ни манман деган энг кучли полвон ҳам ердан уза олмайди.

Оқирлиги 618 килограмм бўлган бу улкан биллур Зальцбург шаҳридаги табиат музейига қўйилган.

ЭНГ ҚАДИМИЙ ПОЙТАХТ

Дамашқ шаҳри дунёдаги энг қадимий пойтахт саналади. У эрадан аввалги иккинчи минг йилликдан бери Сурия пойтахти бўлиб келмоқда.

БОҒИ ИРАМ

Боғи Ирам (Боғи Эрам) Шарқда мусулмонларда кенг тарқалган тушунча, унинг асоси ривоятларга бориб тақалади. Афсонага кўра, Яман мамлакатида Шаддод исмли шахс томонидан барпо этилган ҳамда унинг эни ва бўйи 12 фарсангдан (тахминан 5000 квадрат километр) бўлиб, баландлиги 300150 метр келадиган девор билан ўраб олинган эмиш.

Ирам боғини Шаддод яратган жаннат ҳам дейишади. Шу сабабдан халқ орасида Ирам боғи Оллоҳ яратган саккизта биҳиштнинг саккизинчисидир, деган ақида ҳам кенг тарқалди.

Айниқса, шеъриятда ва достонларда бу боғ афсонавий гўзалликда васф этилган. Аслида эса саккизинчи биҳишт фирдавс деб аталади.

«Қисас-ул-анбиё» («Пайғамбарлар тарихи») китобида «Ирам Нуҳ пайғамбар авлодларидан бирининг исми сифатида қайд этилган.

Хулоса қилиб айтганда, ривоятга кўра, Ирам боғи ер юзида инсон қўли билан яратилган энг гўзал боғ бўлган. Бизда мазкур боғнинг номи «Боғи Эрам» шаклида ёзилиши одат бўлиб қолган.

А.АЛИЕВ
тайёрлади

А.РИСҚИЕВ (ЎзА) олган сурат

Спорт оламида

АДЕБАЙОР- «АРСЕНАЛ» ЖАМОАСИДА



Африка футболида порлаган юлдуз Того терма жамоаси ҳужумчиси Шеди Адебайор Лондоннинг «Арсенал» жамоаси томонидан сотиб олинган. Якинда 21 ёшли ҳужумчи «Монако» жамоаси сафидан чиқариб юборилганди. У навбатдаги машғулотларга келмаганлиги боис бу жазога лойиқ топилганди.

Бу салбий ҳолатларга қарамасдан лондонликлар мураббийи Арсен Венгер ҳужумчи ҳақида илиқ фикрларни айтган. «У бизга жуда зарур бўлган сифатларга эга ҳужумчи. Бўйдорлиги, боши билан аъло ўйнай олиши, тез югура олиши билан бошқалардан ажралиб туради».

Ҳозирда у 20 январда бошланадиган Африка миллатлар кубогида ўз терма жамоаси шарафини ҳимоя қилишга ҳозирлик кўряпти. Адебайор Того терма жамоаси сафида 13 та ўйинда майдонга тушиб, 11 та гол муаллифи бўлган. Бу билан у терма жамоасининг Африка кубоги баҳсларида қатнашишида катта ёрдам берган. Кўҳна қитъадаги илк фаолиятини у Франциянинг «Метил» жамоасида бошлаган. 2003 йилнинг августида «Монако» жамоаси уни 3,2 миллион евро тўлаб, сотиб олганди.

«Арсенал» жамоасининг яна бир ҳужумчиси Тьерри Анри шартномасини узайтирди. Энди у лондонликлар сафида 2010 йилгача тўп суради.

Теннис

ОҚГУЛ КЕЙИНГИ БОСҚИЧДА

Австралия очиқ чемпионатида юртдошимиз Деннис Истомин илк учрашувда турнирнинг

биринчи рақамли ракеткаси швейцариялик Роже Федерерга имкониятни бой берди. Уч сет давом этган беллашувда 6:2, 6:3, 6:2 ҳисоби қайд этилиб, швейцариялик теннис юлдузи турнирга пухта ҳозирлик кўрганини исботлади. Россиялик Николай Давиденко хорватиялик Иво Карловични мағлуб этиб, мусобақанинг кейинги босқичига йўл олди.

Аёллар ўртасидаги яккалик баҳсларида ҳамюртимиз Оқгул Омонмуродова ҳам кейинги босқичга йўл олди. Дастлабки баҳсда у Мадагаскар вакили Долли Рандриантефига қарши кортга тушиб, 6:3, 2:6, 6:1 ҳисобида зафар қучди. Кейинги босқичда у анча тажрибали теннисчи словениялик Даниэл Хантуковага қарши ўйнайди.

Шоҳмот

АНАНД - ЯГОНА ПЕШҚАДАМ

Голландиянинг Вейк-ан-Зее шаҳрида давом этаётган анъанавий шоҳмот турнирида дунёнинг кучли гроссмейстерлари дона сурмоқда. Навбатдаги турда ҳиндистонлик собиқ жаҳон чемпиони Вишванатан Ананд турнир етакчиси украиналик Василий Иванчукни мағлубиятга учратди.

Бу ғалаба Анандга 2,5 очко билан турнир пешқадами бўлиб олишга имконият яратди. Учинчи турнинг қолган учрашувларида арманистонлик Леван Ароян венгриялик Петр Леко билан дурангга имзо чекди. Озарбайжонлик Шаҳриёр Мамедёров ҳам голландиялик Иван Соколов билан дуранг ўйнади.

Нуфузли турнирнинг бу йилги баҳслари россиялик гроссмейстерларсиз ўтмоқда. Гарчанд, классик шоҳмот бўйича жаҳон чемпиони Владимир Крамник турнирга таклиф этилган бўлса-да, у бу мусобақаларда қатнашишдан бош тортди.

А.ЮНУСОВ
тайёрлади

РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ БИРЖА САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!

Ҳурматли ишбилармон ва тадбиркор жаноблар!

Давлат мулки қўмитасининг ваколатли агенти «Давинком» давлат инвестиция фирмаси томонидан Республика Кўчмас мулк биржаси тизимида ҳафтанинг душанба, чоршанба ва жума кунлари бўлиб ўтадиган марказлашган электрон биржа савдоларига 2006 йил 18 январдан қуйидаги мулк қўйилаётганлигини маълум қиламиз.

1. Сирдарё вилояти, Гулистон шаҳрида жойлашган ҳокимиятга қарашли «Автомобилларни таъмирлаш» корхонаси мол-мулклари.

Бошланғич баҳоси — 671774,10 минг сўм.

2. Сирдарё вилоятида жойлашган, «Сирдарёэлектртармоқлари» ОАЖга қарашли «Ёрдамчи хўжалик».

Бошланғич баҳоси - 48848,04 минг сўм.

Давлат мулки қўмитасининг Фарғона вилояти ҳудудий бошқармаси томонидан 2006 йил 20 январдан РКМБ Фарғона вилояти маклерияти орқали Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарори асосида бошланғич нархи босқичма-босқич пасайиш механизми бўйича қуйидаги объектлар қўйилмоқда

1. Фарғона вилояти, Боғдод тумани, Ултарма қишлоғида жойлашган Соғлиқни сақлаш бўлимига қарашли «Ултарма» қишлоқ участка шифохонаси (фаолиятини сақлаш шарти билан). **Бошланғич баҳоси - 32 918 578 сўм.**

2. Фарғона вилояти, Марғилон шаҳрида жойлашган «Фарғона нефт базаси» унитар корхонаси Марғилон филиали. **Бошланғич баҳоси — 41079610 сўм.**

3. Бувайда туман «Киновидео» МЧЖнинг 9,7 фоиз давлат улуши ва хатловда аниқланган, жамиятнинг Низом жамғармасига киритилган давлат активлари (автогараж биноси айвони билан, трансформатор подстанция, асфальт майдони). **Бошланғич баҳоси — 5283006 сўм.**

Ҳурматли ишбилармон ва тадбиркор жаноблар! Имкониятингизни бой берманг.

Савдоларда Республика Кўчмас мулк биржаси рўйхатидан ўтган малакали брокерлари объектларни харид қилишингизда Сизнинг хизматингизда бўладилар.

Қўшимча маълумотлар учун қуйидаги манзилларга мурожаат қилишингиз мумкин.

Манзилимиз: Тошкент шаҳар, Собир Раҳимов тумани, Қора-қамиш 2/4 массиви, Маҳамад Ўразбоев кўчаси, 1«А» уй, Республика Кўчмас мулк биржаси.

Телефонлар: 399 80 26, 136 26 26. Факс: 136 06 17 www.rkmb.uz

Фарғона шаҳар, М. Қосимов кўчаси, 35-уй, РКМБ Фарғона вилояти филиали.

Телефонлар: (3732) 24-68-72, 24-68-70.

Факс: 8(371) 114-62-35.

РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ ва «KIM OSHDI SAVDOLARI AGENTLIGI» ОЧИҚ АУКЦИОН САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ

2006 йил 26 январ, 2,6,16,23 феврал кунлари соат 11.00 да Республика Кўчмас мулк биржаси биносида объектнинг бошланғич баҳоси қадам бақадам ошиши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига такроран Ўзбекистон Республикаси Президентининг Девони ишлар бошқармаси балансидаги давлат рақами 31-17 ТНЕ бўлган «Урал-67-36» русумли мотоцикли қўйилади:

Бошланғич баҳоси – 45 213 сўм.

Аукцион савдолари бўйича харидорлардан аризаларни қабул қилиш ва расмийлаштириш савдо бошланишидан 1 соат олдин тўхтатилади.

Аукцион савдосида қатнашиш учун харидорлар объект бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдорида закалат пули тўлаши шарт.

Закалат пули «KIM OSHDI SAVDOLARI AGENTLIGI»нинг Ўзбекистон Республикаси АТИБ «Ипотекабанк»нинг Тошкент шаҳар, С.Раҳимов бўлимидаги ҳисоб рақамига: 20208000004265383002, КОД-00901, СТИР 204563716 ўтказилади.

Қўшимча маълумотлар учун Республика Кўчмас мулк биржаси ва «KIM OSHDI SAVDOLARI AGENTLIGI»га мурожаат қилишингиз мумкин.

Манзилимиз: Тошкент шаҳар, С.Раҳимов тумани, Қора-қамиш 2/4 массиви, Маҳамад Ўразбоев кўчаси, 1 «А» уй, Республика Кўчмас мулк биржаси биноси. 2-қават, 207-хона.

Маълумот учун телефонлар: 399 80 23, 136 15 28. Факс: 136 26 26

ISHONCH

МУАССИС: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир биринчи ўринбосари Зайниддин РИХСИЕВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 035-рақам билан рўйхатга олинган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

Тиражи: 18646 Буюртма Г— 316

E-mail: ishonch_doverie4@mail.ru

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78; Хатлар бўлими 56-85-43;
Касаба уюшмалари ҳаёти бўлими 56-87-63

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди - 23.10

Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134

«Шарқ» нашриёт—матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.